O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 2 декабрь, № 236 (4135) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди



Парламент юқори палатасининг аъзолари ишни «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Киритилаётган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланадиган ҳайдовчилар айби билан юз берадиган авария ҳолатларини камайтиришга йўналтирилганлиги қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сўнгги йиллар мобайнида иқтисодиётга солиқ юкини изчиллик билан камайтириб бориш, солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам маъқулладилар. Бунда улар киритилаётган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш имконини беришини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ва 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижро этиш учун ишлаб чиқилганлиги ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кафолатларини белгилашга, улар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сенат аъзолари мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Республикамизнинг ушбу халқаро ҳужжатларга қўшилиши Ўзбекистоннинг Умумжаҳон почта иттифоқи (УПИ) ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи (ХЭАИ) доирасидаги фаолиятини янада кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар бу Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос эканлигини қайд этдилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда 25 октябрни Ички ишлар идоралари ходимлари куни деб белгилаш назарда тутилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Б.Мустафоевнинг Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Адлия органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга ошираётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу иш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура ва судловни амалга ошириш органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторинги амалга оширилди.

Айни вақтда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, айрим қонун нормаларини амалга ошириш механизмларидаги камчиликлар, шу жумладан тегишли қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилинмаганлиги туфайли улар ишламаган ва бу ҳол ҳуқуқни қўлловчи органларга мазкур қонунларни ўз билганларича талқин қилиш имконини берган. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар умумий мажбурий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза қилдирмасдан қабул қилган ҳамда уларни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказмасдан ижро этиш учун юборган ҳоллар мавжуд. Баъзи давлат органлари ва хўжаликни бошқарувчи органларда қонунлар ва қонуности ҳужжатларини тартибга солиш ҳамда назорат нусхаларини юритиш ишларини анча яхшилаш тақазо этилади.

Муҳокама пайтида Сенат аъзолари қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазалари, аниқ таклифларини билдирдилар, Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ишларини яхшилашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқдилар. Сенат ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш масаласини кўриб чиқдилар. Илгари Ўзбекистон Республикасининг адлия вазири бўлиб ишлаган Бўритош Мустафоев Олий суд раиси этиб сайланди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда Сенат ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 65 нафар сенатор сўзга чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Бўритош Мустафоев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Тўрабек Турсунбекович Раҳмонов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. **Ўктам Холмирзаевич Холиқов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Исан Муртазоевич Мустафоев** Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 декабрь.

Хушхабар

Мирзачўлда бадиий гимнастика зали

Туманда яна бир хайрли иш амалга оширилди. Гагарин шаҳридаги санъат саройининг иккинчи қавати қайта таъмирланиб, бадиий гимнастика ва хореография зали ташкил этилди.

Спортнинг энг нафис турлари билан шуғулланиб бошлаган мирзачўллик ёшлардан 50 нафари бадиий гимнастика кийимлари билан таъминланди. Замонавий кийим-бошлар, спорт анжомлари, гиламлару деворларни қоплаган улкан кўзгуларнинг барчаси ҳомийларнинг ҳиммати эвазига келтирилгани эътиборга моликдир.

Бадиий гимнастика ва рақс гуруҳи раҳбари Гулчеҳра Нурбаеванинг таъкидлашича, спортчи ёшлар дастлабки чиқишларини Янги йил байрамига ҳозирлайдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Қумқўрғоннинг машъал «Мирза Олим» фермер хўжалигида қишга дала ишларини намунали ташкил этиш, жумладан, ғаллани озиқлантириш, баҳорги экин-тикин юмушларига пухта тайёргарлик кўришга бағишлаб семинар ўтказди.

Қиш фасли — иш фасли

Воҳада юз минг гектарга яқин майдонга сочилган бошоқли дон уруғи текис ундириб олинган. Шудгорлаш ниҳоясига етай деб қолди. 1500 дан ортиқ культиватор ва трактор таъмири сифатли ўтказилмоқда. Ирригация-мелиорация юмушлари давом этмоқда. Бу ишлар 2006 йилда ғаллачилик ва пахтачиликда эришилган салмоқли ютуқларни янаям мустаҳкамлашга кафолат бўлади.

Семинар қатнашчилари зални тўлдириб, сафарбарликни янада кучайтириш имкониятларини таҳлил қилдилар. Таҳлил орасида ташкилотчилар бу хайрли тадбирда мухбирларнинг ҳам иштирок этишини номуносиб, ортиқча эканига ишора қилиб ўтишди. Беғараз билдирилган бу эътироз, табиийки, не ширину нордон гапни ёзса, бу ишни шу элга қайишганидан бажо келтирадиган қаламкашларни жиндак ажаблантирди, холос.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими А.Эшмуродов қатнашди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Рангин Додфар Спанта расмий ташриф буюрди.

1 декабрь куни Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев ҳамда ташқи ишлар вазири В.Норов билан музокаралар ўтказди.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги икки мамлакат манфаатларига мос ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган аниқ чоратадбирлар кўриб чиқилди. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни қайта тиклаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар дўстона, ҳамфикрлик ва амалий руҳда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган музокара якунларига кўра, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Афғонистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида Меморандум имзоланди. Унда томонлар дўстона ва қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама ва изчил ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидладилар. Ҳар икки давлат халқлари туб манфаатларига жавоб берадиган турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ва истиқболларини белгиладилар.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, ташриф доирасида Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов билан учрашуви режалаштирилган. Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан танишади, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

(ЎзА).

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ҚАНДАЙ ЯКУНЛАНМОҚДА

Таҳлилий мақола

СИРДАРЁ:

ҚАДДИ ТИК, ҚАДРИ БАЛАНД ЗАМИН

Публицистика

АЖАБО!

ОЛТИАРИҚДА ҚОНУНБУЗАРЛИК ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан

Ер юзида мустақил ривожланиш йўлига кирган ҳар бир халқ, давлат олдида ўз тараққиётини конституция асосида белгилаш зарурияти вужудга келади. Конституция, бу — Асосий қонун. Унда муҳрланган ҳар бир сўз, ҳар бир фикр, ғоя мамлакат, миллат тараққиётининг тамал тошига айланади ва бутун халқ, бутун давлат келажагига йўлланма бўлиб хизмат қилади.

КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ҳам, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида, мустақилликнинг иккинчи йилидаёқ, яъни 1992 йилнинг 8 декабрида ўз Конституциясини қабул қилди. Ва мана ўн тўрт йил бўлдики, Асосий қонунимиз мамлакатимиз ва халқимизнинг йўлида қуёшдай нур сочиб турибди. Биз Конституциямизда белгиланган ўзига хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлидан оғишмай, адашмай, қатъий ирода билан олдинга одимлаяпмиз. Бу тараққиёт йўлининг бош тамойиллари Конституциямизнинг «Муқаддима»сидаёқ ёрқин ифодасини топган. Унда айтилганидек, Ўзбекистон халқи қонунларнинг устунлигига таянган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эътироф этиладиган ҳуқуқий-демократик давлатни, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан боради. Бундай давлат — бизнинг орзу-мақсадимиз ва қатъий хоҳиш-иродамиздир. Мана шу ўринда биз «ҳуқуқий-демократик» деган иборани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Гап шундаки, инсоният ўз кечмиши йўлида «демократия»нинг амалдаги хилма-хил кўринишларини бошдан кечирди. Бу йўлда жуда кўп синовларга ҳам дуч келди. Жумладан, демократия «оломончилик» шаклида, яъни онгсиз, жоҳил, стихияли тарзда, ижтимоий васвасага, ур-йиқитга асосланган ҳолларда ҳам намоён бўлганлигига тарихда мисоллар кўп. Чунончи, яқин ўтмишни кўздан кечирсак, «оломончилик» собиқ СССР ҳудудида пролетариат диктатурасини ва унинг бешафқат «доҳийлари»ни, Германияда Гитлерни, Италияда Муссолинини, Чилида Пиночетни, кейинчалик, Афғонистонда «толибон»лар ҳаракатини вужудга келтирганлигини кўрамиз. «Оломончилик» бугун Ирокда хунрезликларни кучайтирмоқда...

Мана шундай воқеалар шароитида Ўзбекистон ўз конституциявий тараққиёт йўлини «ҳуқуқий-демократик давлат» деб белгилаганлиги донишмандликнинг ажойиб намунасидир. Ҳа, биз қонун-тартиб устунлигига асосланган демократия йўлидан борамиз. Мамлакатимизда давлат бошқаруви тузилмалари уч тармоқда — қонунчилик, ижрочилик ва суд-ҳуқуқ тузилмалари шаклида, ҳар бири мустақил ва ўзаро фаол ҳамкорликда, халқ манфаатларини кўзлаб иш олиб бориши Конституциямизда бош қоида тарзида белгилаб қўйилган. Бу давлатда ҳар бир фуқаро ҳуқуқи ва манфаатлари — миллати, ирқи, динидан қатъий назар — қонун ҳимоясида ва дахлсиздир. Мамлакатимизда турли сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти тўла таъминланган. Ва бу эркинлик имкониятлари қонун йўли билан тобора мустаҳкамлаб борилмоқда. Мана, яқинда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига Конституциявий Қонун ҳамда Конституциянинг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритишга доир Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари киритилди. Конституциявий қонун лойиҳасида айтилишича, масалан, Президент мамлакат Бош вазири номзодини танлашда албатта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатдаги сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашади... Бундай конституцион тартиб мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ривожланишига, сиёсий партияларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, шак-шубҳасиз, хизмат қилади. Ҳаётимиз тараққиёти конституция мазмунини ҳам ана шу тарика ривожлантириб боришни тарихий зарурият айлантирмоқда.

Биз конституциямизда белгиланган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан қатъий бораверамиз. Шу билан бирга, оламда юз бераётган жараёнлар ўз йўлимизда мустаҳкам бўлиш билан бир қаторда, сиёсий ва маънавий огоҳлигимизни ҳам янада кучайтириб боришимизни тақозо этмоқда. Чунки Ўзбекистонимизнинг мустақил ривожланиш йўлида эришаётган ютуқларини кўролмайдиган, мамлакатимиз ва халқимизни ўз таъсири доирасига олишга уринаётган, ўз сиёсий-мафкуравий эътиқодлари ҳамда хусусий манфаатларига бизни тобе қилишга чоғланиб турган кучлар, марказлар ва ҳар хил сиёсий корчалонлар ҳозирги дунёда оз эмас. Мамлакатимизни ҳуқуқий-демократик давлатчилик йўлидан қайтариб, ўрта асрларга хос халифалик бошқарувини бизнинг бўйнимизга қўйишга интилаётган жаҳолатпараст кучлар тинибтинчигани йўқ. Биз уларнинг ғаразли ниятларидан ҳамиша огоҳ бўлишимиз зарур. Ёки Интернет, турли оммавий ахборот воситалари, кино ва телевидение орқали ёшларимиз онгига ва маънавиятига «Ғарб демократияси»нинг ўзига хос, беҳаёликларга, ахлоқсизликларга асосланган андозаларини сингдиришга, халқимизни ичдан айнитишга қаратилган мафкуравий хуружлар ҳам бўляптики, биз бунга асло бефарқ қарамаслигимиз керак. Бунинг устига, айрим хорижий давлатлар бизга қарши, ҳеч бир тайинли асосга эга бўлмаган очиқ-ошкора сиёсий хуружларни давом эттирмоқдалар.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти эълон қилинди. Унда айтилишича, АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деган рўйхатга киритилибди. Бизнингча, масалага холис ва ҳаққоний қаралса, бундай «ташвиш»га мутлақо асос йўқ. Ахир Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, диний эътиқод ва майллар конституция йўли билан мустаҳкам таъминланганлиги БМТдай обрўли халқаро ташкилот томонидан эътироф этилган. Шундай бўлса-да, айрим далилларни келтирайлик. Чунончи, Конституциямиздаги еттинчи бобнинг 31-моддасида шундай дейилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга». Мамлакатда виждон эркинлигини муҳофазалаш бўйича Қонун қабул қилинган ва унга қатъий амал қилиб келинмоқда. Юртимизда 18 диний конфессия вакиллари эмин-эркин ўз диний эътиқоду амалларини адо этиб келяпти. Шу жумладан, шўро даврида қаттиқ таъқиқланган ислом динига ҳам кенг йўл берилган. Халқимиз вакиллари Ҳаж ва Умра сафарларига ҳар йили, давлат ёрдамида бемалол бориб келишмоқда. Халқимизнинг диний ўтмиши билан боғлиқ табаррук қадамжолар қайта тикланиб, обод зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. Буюк маънавий-диний алломаларнинг мерослари кенг ўрганилмоқда ва халқимиз улардан очиқ-ошкора баҳраманд бўлмоқда... Демак, АҚШ давлат департаменти ҳуқуқий-демократик давлатчилик йўлидан бораётган ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришаётган Ўзбекистон ҳаётига оид асл ҳақиқатлардан ё бехабар, ёки бу ҳақиқатларни билса ҳам билмасликка оляпти. Биз мана шундай сиёсий ғаразгўйликлардан ҳам қатъий огоҳ бўлишимиз керак. Ошкора айтганда, айрим давлатлар бағрикенглиқда Ўзбекистон халқидан ибрат олсалар, арзийди.

Халқимиз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Истиқлолнинг бирибиридан ноёб самараларини ўз кўзи билан кўрди. Бу давр ичида унинг тақдири, онги ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Бу улуғ ва келажаги порлоқ йўлнинг асослари белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир сатри ва ҳар бир қоидасини бу халқ ўзи ва келгуси насллари учун табаррук деб билади. Конституциямизда белгиланган тараққиёт йўлимиз — ҳуқуқий демократик давлатчилик — Ўзбекистоннинг абадиятга танлаган йўлидир.

М. САФАРОВ.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

КЎНГЛИ БУТУН, МЕҲРИ ДАРЁ

Уч-тўрт йилдан буён бир қизни кузатаман. У кўзи ожиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлишига қарамай, нуфузли институтда таҳсил олади. Ҳар гал кутубхонага кирганимда шу қиз онаси ёрдамида китоб мутолаа қилаётганига гувоҳ бўлардим. Шундай кезларда ўқув машғулотларига беписанд қарайдиган тўрт мучаси соғ, норғулдай талабалар кўз олдимга келаверарди...

Яқинда ана шу қиз билан суҳбатлашиб қолдим. 24 ёшли Мунаввара Қурбонова Ўзбекистон Миллий университетининг иқтидорли талабалари қаторида тарих фанини чуқур ўзлаштираётган экан. Яшашга бўлган интилиш, курашишни ўргатган бир инсон ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Мунаввара-да юксак истеъдод ва мустаҳкам иродани кашф этолган Юлдуз опа билан яқиндан танишгим келди.

Тошкент шаҳар Ногиронлар жамиятининг С.Раҳимов тумани бўлими раиси Юлдуз Мирзакаримовани қидириб иш жойига бордим. Бироқ у тўртбеш ногирон аёллар ва болаларга ҳомийлар совғасини топшириш, яна аллақандай театр, концертга боришни тушунтириш билан банд эди.

Раисни кутиб ўтириб, стол устидаги иш дафтарига кўзим тушди. Унда ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўтказилган тадбирлар ҳақида баён этилганди. "Меҳрибонлик" жамияти кўмагида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар, ногиронларга бепул тарқатилган дори-дармонлар, ҳаттоки бир нечта хонадон учун телефон тармоғи ўтказиб берилгани рўйхатга олинган экан. Яна бир қанча режалар...

Кимлардир кетма-кет сим қоқишади. Юлдуз опа кўнгироқларнинг ҳар бирига ўзига мос тарзда жавоб қайтаради: "Инглиз тилини яхши ўзлаштириб олдингми?", "Йўқ, уйдан чиқмай ўтираверсанг, хафа бўламан, зиёратга борамиз", "Янги шеърингиз матбуотда чоп этилибди. Бугун газетани бериб юбораман, ижодда давом этинг...". "Наҳотки, ўзи ногирон бўла туриб, ўзгалар кўнглини кўтарса. Ўзининг кўнгли ўксик бўлсаю, атрофдагилар ғамини еса... Бундай ирода, матонат, куч ҳаммада ҳам бўлавермайди", хаёлимдан ўтказаман.

— Бир вақтлар мен ўзимни ҳеч кимга кераги йўқдек, одамлардан йироқда ҳис қилардим, — дейди ўзини Мияссар Тиллаева деб таништирган аёл. — Тўрт девор орасида ўтиравериб, ҳаётдан узилиб қолгандек эдим. Ишонасизми, кўзимда нур, билагимда куч қолмаганди, гўё. Юлдузхон туфайли мен жамиятнинг аъзоси эканлигим, давлатим мени ҳимоя қилиши, бирор фойдали иш билан шуғулланишим мумкинлигини ҳис этдим. Ҳозир тикувчилик қиляпман, шогирдларим бисёр.

Ушбу "Меҳрибонлик" жамияти кўмагида кўнгли осмонқадар кўтарилган инсонлар талайгина. 150 нафар ногиронни кўллаб-қувватлаш, 150 хил руҳий мададкорлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Ўн бир йилдирки, Ю.Мирзакаримова ана шундай машаққатни енгиб, савоб олиб келаётир.

Собир Раҳимов туманида шу кунгача 12 нафар ногирон иш билан таъминланди. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, ҳайрия тадбирлари уюштирилиши жамият аъзоларига маънавий завқ бағишламоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Флора-МЭД" масъулияти чекланган жамияти, "Ўзсилм" тил ва компьютер маркази ва "Араб фан ва маданият" марказининг юртимиздаги бўлими кўмагида бир қатор эзгу тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамият аъзолари рўйхатини кўздан кечираётиб, 22 ёшли Нодиржон Турсунов ҳаёти билан қизиқдик. У ёшлигидан ногирон бўлишига қарамай, иқтидорли бўлиб вояга етган. Айни пайтда Тошкент давлат жаҳон тиллари университети магистранти экан.

— Ишларимиз ҳақида сўрадингиз, айтай. Моддий ёрдам билан бир қаторда маънавий кўмак инсонга катта далда бўлади, — дея суҳбатни давом эттирди Юлдуз Мирзакаримова. — Ёлғиз аёлу ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар айёмда йўқлаймиз. Бу борада яқиндан ёрдам бераётган ҳомийлардан мамнунмиз. Ўйлаб қўйган мақсадларимиз ҳали кўп.

Икки фарзандни оқ ювиб, оқ тараётган, оилада ҳавас қилгулик бекаликни масъулиятли касб ила уддалаётган, қанча-қанча ўксик кўнгилларга нур эмдирган Юлдузхон опа билан хайрлашарканмиз, дунё шундайлар билан гўзал деган фикр кўнглимиздан ўтди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Айём арафасида

Ижодкор аёллар йиғилганда суҳбат не ҳақда бориши ҳаммага аён гап. Албатта ижод, ижодкорлар ҳақида, ҳаёт қувончлари, ташвишлари хусусида бўлиши табиий. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Аёл қадри – Ватан қадри

Ўзбекистон Миллий матбуот марказига куни кеча юртимизнинг ижодкор аёллари ташриф буюришди. Улар орасида шу кунларда таваллуд юбилейларини нишонлаётган ижодкор-журналистлар ҳам бор эди.

Мамлакатимиз Конституцияси айёми арафасида дийдорлашувга йиғилганларни байрам билан қутлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовлар уйда бекаликни ўрнига қўйиб, ҳаётда ўз касбининг фидойиси бўлган қалби нозик, қалами ўткир журналист аёлларнинг машаққатли меҳнати, ижоди ҳақида фикр билдирдилар. Зеро, тадбир давомида Аёл қадри Ватан қадри билан менгзанганининг боиси ҳам балки шундандир.

Байрам йиғинида тележурналистлар Галина Мельникова, Ҳафиза Ҳайитметова, матбуот фидойиси Муқаддас Абдусаматова, матбаа жонкуяри Назира Жўраева, журналист Бахшанда Болтаева ва бошқа қатор ижодкор аёлларга эсдалик совғалари топширилди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституциям» танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж) ;
— энг яхши интервью;
— энг яхши фоторепортаж.

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари келгуси йил Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 20 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри – 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.
Телефон\ факс: 144-12-51, 1441615
www.mmf.uz,
e-mail:mmf@uzpak.uz.

Ташкилий қўмита

«Тиббиёт ва замон» – янги нашр

Наманганда чоп этилаётган вақтли матбуот нашрлари қаторига янги «Тиббиёт ва замон» журнали ҳам қўшилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳомийлигида чиқарилаётган мазкур журнал ижодкорлари тармоқдаги ислоҳотларни кенг ёритиш, тиббий хизмат маданиятини фаол тарғиб этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Илк сонда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган замонавий тиббиёт ва Шарқ табобатига доир илмий мақолалар, шифокорларнинг ибратли ишлари хусусидаги материаллар шундан дарак беради.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инсон, жамият, ҳуқуқ

ТАҲРИРИЯТГА ХАТДАН: *«Бизлар ака-ука қариндошлар Юсупов Наримбой, Юсупов Салимбой, Юсупова Дилфуза, Юсупова Муҳаррам, Абдуллаева Дилдора кичик бизнесни ривожлантириш ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида фуқаро Ш. Назаровдан иссиқхона сотиб олган эдик, лекин баъзи бир зўравон ва мансабдор шахслар биз сотиб олган иссиқхонамизга ноқонуний эгалик қилмоқчи».*

ТАЛАШ

Масала тушунарли бўлиши учун тафсилотни воқеанинг бошидан бошлаймиз. 2002 йилда Қибрай туманидаги «Лимончилик» ширкат хўжалигига тегишли 11,5 гектарга яқин иссиқхона Шермурод Назаровга 78 миллион сўмга сотилган. Бу факт вилоят биржасининг олди-сотди шартномаси, кадастр гувоҳномалари билан тасдиқланади. Сўнг, у шундай катта хўжаликни «юргизиш» учун «Мақсад Ҳамроҳ» хусусий фирмасини ташкил қилди ва унга Ҳасан Мирахмедовни бўйруқ билан раҳбар этиб тайинлади. Унинг таъсисчиси Ш. Назаров, у хусусий мулк эгаси. Таъсисчи иш юритиш, молиявий ҳужжатларга имзо чекишни Мирахмедовга топширди. Кейинроқ бўлган бир неча суд муҳокамаларида кўргазма беришларича, ортиқча ҳаракат ва беҳуда харажат қилмаслик учун, юристларнинг маслаҳатига кўра, хўжаликни бошқаришни юқоридагича расмийлаштирибдилар; бири таъсисчи, иккинчиси раҳбар. Бироқ...

Бироқ, 2004 йил сентябрда Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига Х. Мирахмедов даъво ариза билан мурожаат этди. Мазмуни: Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят бўлими томонидан 2004 йил 26 июлда тасдиқланган, Ш. Назаров ва Н. Юсуповлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш. Даъвода таъкидланишича, бу шартномага кўра Назаров иссиқхонанинг унга — даъвогарга тегишли бир қисмини ҳам Юсуповга сотиб юборган эмиш.

Воқеаларнинг кейинги ривожида эътиборли ҳолат шундан иборатки, бу даъвода даъво предмети фақат битта: олди-сотди шартномасини бекор қилиш. Даъвони қаноатлантириш учун эса, албатта, иссиқхонанинг Назаровга тегишли қисми қайси-ю, Мирахмедовга тегишли қисми қайси эканини тасдиқлайдиган — исботлайдиган ҳужжатлар керак. Қани у?

Бунинг учун, иссиқхона тенг бўлингани тўғрисида ҳужжат тайёрлаш керак. Ҳозирча эса, расман иссиқхона «Мақсад Ҳамроҳ» хусусий фирмасининг таъсисчиси Ш. Назаровга тегишли, Низомида шундай ёзилган. Демак, унинг ёнига «Х. Мирахмедов» деган ёзув қўшилса, «ҳужжат» тайёр бўлади. Шундай қилинди! Бу оддий қалбакичилик суд жараёнида очилиб қолиш эҳтимоли 99,99 фоизга тенг экани ҳам ўйланмаган экан. Балки, ўша қолган 00,01 фоизга умид қилингандир? Нимага умид қилингани, бу сохталикни ижод қилган кишиларнинг ўзларигагина аён. Факт шуки, судда «таъсисчи Ш. Назаров ва Х. Мирахмедов» деб ясалган ва Қибрай туман давлат нотариуси Г. Ҳусанова томонидан тасдиқланган Низомнинг сохталиги фош бўлиб қолди. Суд бошланди-ю ташланди, давом этмади, сабаби, даъвогар ҳам, нотариус ҳам суд мажлисига келишмади. Суд, 2004 йил 20 сентябрда, судга жавобгар томон келган бўлишига қарамай, «иккала томон келмади» деб ишни кўрмасдан қолдириш тўғрисида Ажрим чиқарган. Кейинги, 2006 йил 4 августдаги суд мажлисларида муҳтарама нотариус айбини тан олди, тажрибасизлик қилиб, иккинчи таъсисчи Ш. Назаровнинг юз-кўзини кўрмасдан туриб сохталаштирилган Низомни тасдиқлаб, хато қилгани учун... «узр» сўради, вилоят Адлия бошқармаси бу хатоси учун унга «хайфсан» берди.

Унгача эса, 2005 йилнинг баҳорида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судида Х. Мирахмедовнинг янги даъво аризаси иш юритувига олинди. Бу даъвога биринчи суддаги «олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш» талаби ёнига иккинчи даъво предмети — «2002 йил 10 сентябрда Ш. Назаров билан Х. Мирахмедов ўртасида «биргаликда фаолият юритиш ва мулкни биргаликда белгилаш» тўғрисида тузилган шартномани ҳақиқий деб топиш» талаби ҳам қўшилдики, бу мураккаб «предмет» кейин кўп мутахассисларнинг бошини қотиришга «мавзу» бўлди.

Гап шундаки, жавобгар томон бу шартномани ҳам қалбаки деди, тан олмади. Таҳририятга ёзилган шикоятда айтилган «саҳна ортида» бўлиб ўтган айрим гап-сўзларнинг исботи йўқлиги учун, уларни ёзиб ҳам бўлмайди. Лекин, бор гап шуки, жавобгарнинг адвокати судья А. Комиловга раддия — «отвод» берган, қаноатлантирилмаган. 2005 йил 8 апрелда чиқарилган Ҳал қилув қарорида даъво қаноатлантирилган.

Чирчиқ шаҳар прокурори бу Ҳал қилув қарорига апелляция протести киритди, жавобгарлар апелляция шикояти ёздилар. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг 2005 йил 14 сентябрдаги Ажрими билан бу Ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу суднинг бошқа таркибига юборилган.

Бу орада эса — 2005 йил 20 июлда баҳсли шартномага Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг Хулосаси олинди. Унда таъкидланишича, «Биргаликда фаолият юритиш ва мулкни биргаликда белгилаш тўғрисида 2002 йил 10 сентябрда тузилган шартноманинг биринчи бети ва унинг орқа томонидаги иккинчи бетидаги ёзувлар турли вақтда ва ҳар хил ёзув ускуналарида — лазер принтерларида турли файл ва ҳарфларда ёзилган». Яна: «Назаров Шермурод» деган қўлёзма ёзув ва унинг номидан қўйилган имзо 2002 йилда эмас, балки кейинроқ, эҳтимол 2004 йил билан 2005 йилнинг бошланиши оралиғидаги вақтда бажарилган».

Бу нима дегани ва нима учун керак? Гап шундаки, ушбу шартномани қалбаки деб даъво қилаётган жавобгар ўз имзосини тан олаяпти, лекин бу имзони мен бу шартноманинг остига қўймаганман, 2005 йилда судга

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШ банклари ва фонд биржаларининг интернет сайтларига хаккерлар ҳужум қилиши мумкин. Оқ уйининг огоҳлантиришича, «Ал-Қоида» бунга катта тайёргарлик кўрмоқда. «Рейтер» ахборот агентлиги хабарида сайтларга таҳдид декабрь ойида амалга оширилиш эҳтимоли борлиги айтилади. Бу маълумотни мамлакат Миллий хавфсизлик вазирлиги ҳам тасдиқлади, лекин бу таҳдид амалга ошган тақдирда ҳам иқтисодиётга катта зарар келтира олмаслигини билдирди.

Филлиппинга тайфун бостириб келди. «Франс-пресс» ахборот агентлиги Қизил Хоч жамиятидан олинган маълумотга таяниб тарқатган хабарида келтирилишича, табиий офат 146 нафар аҳолининг ҳаётига зомин бўлди. Бироқ ҳукумат қурбон бўлганлар сони 200 дан ошиши мумкинлигини билдирди. Айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Офат оқибатида йўлларни сув қоплаган. Дарё ўз қирғоғидан тошиб кетган. Электр тармоғи ишдан чиққан.

Хитойдаги энг бой кишилардан бири Чжоу Имин умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди. У молиявий товламачилик билан миллионлаб долларни ўмарганликда айбдор, деб топилди. Имин ўтган йили «Форбс» журналида келтирилган дунё бойлари рўйхатига киритилганди. Тадбиркор дастлаб банкдан 48 миллион доллар кредит олиб, Суйнин шаҳридаги компаниялардан бирининг 28 фоиз акциясини сотиб олади. Кейинчалик Имин ноқонуний йўл билан компания акцияларининг назорат пакетини қўлга киритади.

Москва хорижлик 600 минг нафар муҳожирга имтиёзлар бериши керак. Шаҳарнинг минтақаларароо алоқалар ва миллий сиёсат қўмитаси раҳбари Алексей Александров шундай баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига қараганда, айни пайтда чет давлатдан келиб ишлаётганларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Ҳозирда Россия пойтахтида 181 минг нафар муҳожир расмий рўйхатдан ўтган.

Microsoft пайшанба кунидан бошлаб Windows Vista номли янги тизимни сотувга чиқарди. Фақат уни корпоратив мижозларгина сотиб олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, компания Office-2007 системасини ҳам бозорга чиқарди. Маркетологлар ҳозирда компания умумий даромадининг 50 фоизидан кўпроғи шу икки маҳсулот савдосидан келаётганлигини қайд этишди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ажабо!

Мактаб дарвозалари олдида атторлик моллари, дафтар-қалам, ширинликлар билан савдо қиладиган мўъжазгина дўкончалар бор. Бу савдо шохобчалари мамлакатимизда тадбиркорлар, ишбилармонларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзларнинг бир меваси, албатта. Энди ўқувчи битта дафтар ёки қалам ахтариб марказлардаги китоб, идора ашёлари дўконларига бориб юрмайди. Бу қулай савдо усули ўқувчи-ю, талаба узоғини яқин қилаяпти.

ДАФТАР МУҚОВАСИДАГИ ЁТ ЁЗУВЛАР

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу дўконлар маълум маънода мафкура улашувчи шохобча эканлиги баъзан эътибордан четда қолиб келаяпти. Чунки кимгадир ўқувчининг оддий ўқув қуроли ҳисобланган дафтарлар турли санъаткорлар, спортчилар, қўйингки, эл эътиборидаги кишиларнинг ижодини тарғиб қиладиган ўзига хос минбар ҳам экан.

Балки ноширлар дафтарнинг тезроқ сотилишини кўзлаб, машҳур ашулачидан тортиб, ҳали бирор қўшиғи билан эл оғзига тушмаган қўшиқчиларнинг суратларини дафтарлар муқовасида бўлишини хоҳлаб қолишгандир. Уларнинг баъзилари ҳали ўзлари ўқувчи, талаба бўла туриб дафтар муқоваларидан тенгдошларига виқор билан боқиб туришади.

Яқинда қўшнимизнинг мактабда ўқийдиган ўғли бир дафтарни кўтариб кириб қолди. "Амаки, мана бу кишини танийсизми? — деди у. — Отам бу спортчи деса, онам қайсидир артист деб гап талашиб қолишди".

Дафтарни қўлга олиб ўйланиб қолдим. Муқовада бошқа бир мамлакат раҳбарининг қулиб турган сурати бор эди. Шунингдек, дафтарда унинг ўз юртида машҳур бўлган китобининг турли нашрларидаги нусхалари, ўша мамлакатнинг давлат рамзлари — байроғи, герби ҳам жой олган. Қалин муқованинг ички бетидан эса шу мамлакат фуқароларининг қасамёди, мадҳияси жой олган. Буям камлик қилгандай, муқованинг орқа томонида ўша раҳбарнинг мамлакат ёшларига қарата айтган панд-насиҳатлари жимжимадор ҳарфларда берилган.

Энг ажабланарлиси, бу дафтарлар қайси нашриётларда чоп этилганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аниқки, матбаачиликда ноширнинг манзили, манбаси кўрсатилмаса, у контрабанда, яъни хуфёна мол ҳисобланади.

Масалани ўрганиш мақсадида Фарғона вилоятининг улгуржи бозорларини кўздан кечирдик. Маълум бўлишича, бундай ашёлар вилоятнинг шаҳар ва туманларига асосан Қўқон шаҳридаги саноат буюмлари ҳамда Марғилон шаҳридаги Гўри аввал, Ипакчилар шаҳрида яқинда бунёд этилган янги улгуржи бозорларидан тарқалар экан.

Улгуржи бозорларни бориб кўрдик. У ерда турли-туман мактаб ашёлари кўзни қамаштиради. Уларнинг тури 100 дан зиёд. Мен қўлимдаги дафтарни ўзини Эшон ака, деб таништирган дўкондорга кўрсатиб, «Шундан кўпроқ харид қилмоқчиман», дедим. У эса айнан шу дафтар яқинда тугаганлиги, агар буюртма берсак, олиб келишини айтди.

— Сир бўлмаса, бу дафтарларни қаердан олиб келасиз? — дея уни саволга тутамиз.

— Қўқондан ҳамда Қирғизистоннинг Қорасув бозоридан ўзимиз харид қиламиз. Тошкент томонлардан эса воситачилар мол олиб келишади.

У қўлимдаги дафтарнинг жилдига назар ташлаб: "Бу Хитойда чоп этилган бўлса керак" деди.

Ана, холос! Наҳотки қўшни бир мамлакатнинг раҳбари сиймоси туширилган, давлат рамзлари қайд этилган дафтар Хитойда чоп этилиб, Ўзбекистонда сотилса?! Бу кимнингдир мафкуравий буюртмаси эмасмикан?

Суҳбатдошим айнан шу дафтардан кечагина Гўри аввалдаги улгуржи бозорда кўрганлигини айтди. Бу улгуржи бозор ипакчилар шаҳарчасидаги бозордан анча ихчам. Расталарда фақат ёзув-чизув ашёлари билан савдо қилинади. Растанинг бошидаги дўкондорга яна ўша дафтарни кўрсатдим. У каловланиб қолди. Янги ўқув йили арафасида худди шундай дафтарлар билан савдо қилганлигини, ҳозир эса тугаганлигини, бу молни тезроқ тугатиш учун бошқа дафтарларга қўшиб сотиб юборганлигини айтиб ўзини оқламоқчи ҳам бўлди.

Суҳбатимиз чоғида бир ёш йигитча бизга разм солиб турган эди. Кейин билсак, у бир зумда қўшни дўкон эгаларини огоҳлантириб чиқишга улгурибди. Бир зумда бошқа мамлакатларда нашр қилинган дафтарлар йиғиштириб олинибди. Ўндан ортиқ дўкондорлар бундай дафтарлар яқинда сотиб тугатилганлигини айтишиб, бошқа маълумот беришдан ўзларини тийишди.

Дўкондорларнинг биридан: "Юртимизнинг машҳур кишилари, буюк боболаримиз рамзлари туширилган дафтарлар борми?" деб сўрагандим, олдимга ўнтача шарқ мутафаккирларининг сиймолари туширилган дафтарларни қўйишди. Албатта, буюк сиймоларнинг шарқ маданияти, санъати, шеъриятига қўшган улкан ҳиссаларини асло инкор қилмаймиз, лекин улар ижодидан берилган намуналарнинг барчаси бошқа тилда битилган. Балки кимлардир бу тилда битилган ғазалларни мириқиб ўқир, лекин минглаб, миллионлаб ўзбек ўқувчиларичи? Улар яна савол назари билан ота-оналари, ўқитувчиларига юзланадими? Аксига олиб бу дафтарларнинг ҳам қайси ерда ва ким томонидан тайёрланганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Хуллас, бу бозорлардан бизни ўйлантирган саволларга жавоб ололмай қайтдик. Бильакс, жавобсиз саволлар, шубҳалар янада ортди. Ўйлаб қоласан киши. Бундай ножоиз ишга баҳо бериш, уларнинг юртимизга кириб келишини тартибга солиш лозим эмасми? Қолаверса, сотувчилар кимларнингдир нағмасига ўйнашаётганини билишмайдими ёки ўзларини атайин ғўлликка солишаяптими?

Инчунин, бизни бу саволларнинг жавоби қизиқтиради.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фикр

Бизникидек жаннатмакон юрт, баҳаво иқлим ҳеч маконда топилмаса керак. Фарғона деймизми, Тошкентми, қўйингки, ҳар бир худудимизнинг ўзига яраша таровати, жозибаси бор. Зомину Шоҳимардон тоғларига борган ҳар қандай бемор одамнинг ўзини тетик ҳис қилиб, дарддан фориғ бўлишга умид боғлаши шубҳасиз.

Мусаффо ҳавони асрайлик

Бугунги техника тараққиёти, ёнувчи ва заҳарли газларнинг кўпайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда табиат мусаффолигига истаймизми, йўқми, зиён етаётганини ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Ҳаётий зарурат туфайли атмосферага етаётган зарарни биз, одамлар, арзимаган эринчоқлигимиз туфайли янада кўпайтираётганимиз ачинарли. Масалан, куз ойларида дарахтлардан тўкилган хазонларни бир ерга тўплаб, ўт қалаймиз. Унинг маҳаллаларимиз оралаб ўрлаётган тутуни ўзимизга зиён экани ҳақида эса ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ваҳоланки хазонларни мевали дарахтлар, узум кўчатларининг тагини кавлаб кўмиб қўйсак бўлади. Бу улар учун ўғит вазифасини бажариб, мевали дарахтлардан яхши ҳосил олишимизни таъминлайди. Ариқларга ахлат тўкиш каби ёмон одатлардан, айниқса, ёшларнинг халос бўлишига туртки бўлсак, тоза ҳавони асраган, саломатлигимизни мустаҳкамлаган бўламиз.

Араббой ЎТАНОВ.
Фарғона тумани.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,
темир йўл орқали юк жўнатувчиларга сервис хизматини яхшилаш мақсадида, уларнинг жўнатадиган юклари режасини расмийлаштириш бўйича аризаларини қабул қилиш Тошкент, Қўқон, Бухоро, Қарши, Қўнғирот миントақавий темир йўл тармоқлари, шунингдек, компаниянинг юклар ва тижорат бошқармаси қошидаги юк ташиш маркетинги бўлимида ҳар куни, дам олиш кунларисиз, қуйидаги тартиб бўйича амалга оширилади:

- *иш кунлари — соат 9.00 дан 20.00 гача;*
- *шанба ва якшанба кунлари — соат 9.00 дан 15.00 гача.*

Маълумот учун телефонлар: 138-80-73, 138-80-87, 138-85-02.

ОАО ИИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

ПРОИЗВОДИТ и РЕАЛИЗУЕТ В НЕОГРАНИЧЕННОМ КОЛИЧЕСТВЕ:
- ГОФРОЯЩИКИ РАЗЛИЧНОГО НАЗНАЧЕНИЯ И ТИПОВ РАЗМЕРОВ С МНОГОЦВЕТНОЙ ПЕЧАТЬЮ
- ГОФРОКАРТОН
- КАРТОН СКЛЕЕННЫЙ ДЛЯ ПОЛИГРАФИЧЕСКОЙ И КНИЖНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ
- БУМАГУ ОБЕРТОЧНУЮ
- КАРТОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ
- ПРОКЛАДКИ БУГОРЧАТЫЕ ДЛЯ ТРАНСПОРТИРОВКИ И ХРАНЕНИЯ ЯИЦ
- ВОЛОКНИСТЫЕ ПЛИТЫ ТОЛЩИНОЙ от 3 до 3,5 мм ЛЮБЫХ РАЗМЕРОВ
- БУМАГУ ТУАЛЕТНУЮ

КАЧЕСТВО ОТВЕЧАЕТ МИРОВЫМ СТАНДАРТАМ. ЦЕНЫ НИЖЕ РЫНОЧНЫХ.

СПЕШИТЕ ЗАКЛЮЧАТЬ ДОГОВОРА НА 2007 ГОД!

ДОГОВОРА НА ПОСТАВКУ ПРОДУКЦИИ ВЫ МОЖЕТЕ ЗАКЛЮЧИТЬ ПО АДРЕСАМ:
- г. Ангрен, Таш. обл., пос. Гульбаг. Тел.:(370 166)34452, 21223.
- г. Ташкент, ул. Нарходжаева,56, ориентир - завод "Электроаппарат". Тел.: (998 71) 293 33 78, 293 03 80, 191 61 90. Факс 191 61 90.
- г. Ташкент, ул. Джаркурганская, 47. Тел.: (998 71)196 6806, 194 5833.
- E-mail: angrpkt@rol.uz.

Н-833
Товар сертифицирован

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

ДОКТОРАНТУРА ва АСПИРАНТУРАГА қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

«Тупроқшунослик» — аспирантура ва докторантура.
«Агротупроқшунослик ва агрофизика» — аспирантура.
«Агрокимё» — аспирантура.

Қабул муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, Қамарнисо к., 3-уй.
Телефонлар: 396-09-50, 396-85-24.

ёки иссиқхона атрофидаги совуқ можаролар бўйича суд қарорларидан кейин айрим мулоҳазалар

ёзилган шикоят хатига қўйган имзоимни сохта шартномага фойдаланишган, деб даъво қилмоқда. Юқоридаги экспертиза хулосаси эса, бу даъвони «тўла тасдиқлайди» десак айрим муҳтарам судьялар хафа бўлишар-ку, «Хулоса» «даъво»га... эгизаклардек жуда яқин келмаяптими?!

Кейинги суд, бу фикр-саволга «йўқ» деб жавоб берди, яъни, экспертиза хулосасини эътиборга олмади. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг раиси А. Муҳиддинов раислигида бўлган бу суд ишни апелляция Ажримидан кейин роса беш ойдан ортиқ вақт ўтказиб — 2006 йилнинг февралида кўришни бошлаб, яна роса 5 ойдан кейин — 2006 йил 4 августда Ҳал қилув қарори чиқарди. Суд мажлислари узоқ чўзилганини асослайдиган омиллар ҳам бор: ушбу баҳсга оид бир нечта фуқаролик иши бирлаштириб кўрилди. Асосий даъво — даъвогар Х. Мирахмедовнинг жавобгар Ш. Назаровга нисбатан биргаликда фаолият юритиш ва мулкни биргаликда белгилаш тўғрисидаги 2002 йил 10 сентябрдаги шартномани ҳақиқий деб топиш, Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят бўлими МЧЖнинг 2004 йил 26 июлдаги 719-сонли олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилди.

Нимага асосланиб? Яна ўша — экспертиза хулосасига кўра қалбакилиги деярли исботланган «2002 йил 10 сентябрдаги шартнома»га асосланиб!(?). Қолаверса, Ш. Назаров иссиқхонани «Лимончилик» хўжалигидан 2002 йил 11 сентябрда №3922-шартномага асосан сотиб олган бўлса, у қандай қилиб 10 сентябрда — йўқ иссиқхона бўйича шартнома тузиши мумкин, деган савол шартноманинг қалбакилиги «фойдасига» ишлаши ҳам эътиборга олинмади...

Рост, суд учун мамлакатдаги энг нуфузли экспертиза маҳкамасининг Хулосасини «йўққа» чиқариш ва уни инкор этиш осон бўлмаган, бунинг учун қатор қонунлардан моддалар келтириб шартноманни ҳақиқий деб топишни асослагандек бўлган, даъвогарнинг гўёки иссиқхонага шериклик учун унинг ярмига эгалик қилиш мақсадида «Мақсад Ҳамроҳ» хусусий фирмасига бир неча марта ўтказган бир неча миллион сўмини (суд буни жами 31.600.000 сўм деб белгилаган — муаллиф) «тасдиқ» сифатида эътиборга олган. Лекин, жавобгар ўзининг қарши даъвосида буни тан олмаяпти: бу пулларни у иссиқхонанинг ярмига ўзбошимчалик билан эгалик қилиш учун ҳеч қандай асоссиз ўтказган, қолаверса, бу маблағ ўзиникими ёки иссиқхона маҳсулотини сотишдан тушган даромадданми эканини аниқлаш керак, деяпти, Шунингдек, жавобгар томоннинг адвокати ҳам назорат тартибида протест киритишни сўраб ёзган талабномасида бу асосларнинг хомлигини бирма-бир исботлаганки, буларга ҳуқуқий баҳо бериб қонуний тўхтамга келиш, табиийки, юқори босқич суднинг ваколатида.

Нега «назорат» тартибида? Чунки, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция судлов ҳайъати 2006 йил 4 октябрдаги Ажрими билан юқоридаги Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдирган.

Чирчиқ шаҳар прокурорининг ушбу Ҳал қилув қарорига ёзган апелляция тартибидаги протести суд муҳокамасига етиб келмади, протест қайтариб олинди. Бундай ҳаракат эса қонунда кўзда тутилган... Қисқагина Ажримда эса апелляция шикоятининг қаноатлантирилмаслигига Ҳал қилув қароридаги важлардан бошқа деярли ҳеч қандай асос кўрсатилмаган.

Ҳолбуки, апелляция шикоятида Ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун келтирилган далил ва асослар керагидан ҳам ортиқча эди. Бунинг учун, апелляция шикоятидаги, прокурорнинг қайтариб олинган протестида ҳам таъкидланган айрим қонунбузилиш ҳолатларини санашнинг ўзи кифоя: гарчи Ҳал қилув қарорида суд мажлисида Чирчиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Я. Маматкаримов қатнашгани ва айрим масалалар бўйича, хусусан ишни жавобгарлар Ш. Назаров ва Н. Юсуповларнинг ва адвокатларининг иштирокисиз кўраверіш керак деган фикрни билдиргани ёзилган бўлса-да, аслида бу — ёлғон. Суд мажлисида прокурор қатнашмаган.

Шунингдек, қарши даъво ариза берган жавобгарлар ҳам айрим суд мажлисларида иштирок этмаган, иш уларнинг иштирокисиз кўрилган. Сабаби, почта мухрларидаги саналарнинг тасдиқлашича, чақирув қоғози уларга кеч етиб борган.

Яна: «апелляция суди бизнинг қўлимизда қонуний ҳужжатлар, яъни — Қибрай туман ҳокимининг 2004 йил 10 августдаги №925-сонли қарори, Қибрай туман ҳокими ва Н. Юсупов ўртасида 49 йилга тузилган ер ижара шартномаси, 2002 йил 7 октябрда даъвогар Х. Мирахмедов ва Давлат нотариуси Г. Ҳусаинова томонидан қалбакилаштирилган Низом, Қибрай тумани ҳокимининг «Мақсад-Ҳамроҳ» хусусий фирмасининг таъсисчиси бир киши — Ш. Назаров эканлиги тўғрисидаги хати, 2002 йил 10 сентябрда тузилган шартноманинг қалбаки эканлиги тўғрисида экспертиза хулосаси борлигига қарамай, 2006 йил 4 августда чиқарилган ноқонуний Ҳал қилув қарорини тўғри деб Ажрим қилди».

Шунингдек, жавобгарнинг адвокати назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги Талабномасида ўнлаб қонунбузилиш ҳолатларини санаб, жумладан, биринчи босқич судига суд мажлиси баённомаси билан танишиш тўғрисида қонунда кўрсатилган муддатда ариза берса ҳам, бунинг иложи бўлмаганини, суд мажлиси баённомаси билан фақат вилоят судидагина танишиш имконияти бўлгани ва биринчи босқич судининг суд мажлиси баённомаларига эътирозларини ёзиб, бу эътирозларни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи босқич судига юбориш тўғрисида ариза ёзганлигини, лекин бу ариза инкор этилиб, суд мажлиси баённомасига эътирозлар на биринчи босқич судида, на апелляция босқич судида кўрилмасдан қолиб кетганини ёзади...

Ҳал қилув қарорининг бошида судда прокурор ёрдамчиси қатнашгани ҳақида ёзилган бўлса-да, охирига келиб аслида йўқ прокурор судга раислик этувчининг «хаёлидан фаромуш бўлган»: даъвони қаноатлантириш ё қаноатлантирмаслик тўғрисида прокурорнинг ҳеч қанақа фикри йўқ. Хайрият, ёлғон охиригача етказилмабди-ю, лекин... шундай мураккаб ишда қонун посбонининг фикрисиз ва иштирокисиз қарор чиқариш ва юқорида таъкидланган қатор шубҳали ҳолатлар, юмшоқ айтганда, ишнинг, ҳақиқатан ҳам, бир томонлама кўрилганидан далолат бермасмикин?

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 2, 9, 16, 23, 30 январь ва 6, 13, 20, 27 февраль кунлари соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Давлат рақами 11Х8326 бўлган, «Камаз-53212» русумли автотранспорт воситаси (фургон, ҳаворангли, техник носоз). ***Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.***
2. Давлат рақами 11Т9600 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «Камаз-53121» русумли автотранспорт воситаси (фургон, оқ рангли, техник носоз). ***Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.***
3. Давлат рақами 11V1400 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Камаз-53121» русумли автотранспорт воситаси (фургон, балчиқ (хаки) рангли, техник носоз). ***Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.***
4. «ППЦТ-38» русумли яримтиркама-цистерна, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, тўлиқ массаси 32740 кг., юкни оғирлиги 23940 кг., цистерна ҳажми 38м^3, шасси рақами 8996113050AV7076. ***Бошланғич баҳоси — 65 153 500 сўм.***
5. «ППЦТ-38» русумли яримтиркама-цистерна, давлат рақами 10D927, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, тўлиқ массаси 32740 кг., юкни оғирлиги 23940 кг., цистерна ҳажми 38м^3, шасси рақами Х8996113050AV7074. ***Бошланғич баҳоси — 65 153 500 сўм.***

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридага закалат пулини «Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат килиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

ШУНИНГДЕК,

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази Қашқадарё филиали 2007 йил 4, 11, 18, 25 январь ва 1, 8, 15, 22 февраль кунлари соат 11.00да Қарши шаҳри Ўзбекистон банклари ассоциацияси Универсал биржа маркази Қашқадарё филиалининг биржа савдолари залида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.

Очиқ аукцион савдоларига Қашқадарё вилояти, Муборак тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган «Карлик асри» МТПга тегишли Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Карлик қишлоғида жойлашган **марказий таъмирлаш устахонаси биноси. *Бошланғич баҳоси — 42 650 000 сўм.***

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридага закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази Қашқадарё филиалининг АТБ «Алоқабанк» Қашқадарё филиалидаги, МФО 00990, СТИР 204325773, 20208000504234776024-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Қарши ш., И. Мўминов к., «Наргиза» маиший хизмат уйи, 2-қават (Мўлжал — темирйўл шохбекати). Телефон: (8-375) 227-20-28.

Диллашув

Шу кунларда мамлакатимизда буюк актёр, ҳинд киносининг асосчиларидан бири Раж Капур хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Унинг фарзандлари — Рандхир ҳамда Риши Капурларнинг маданий тадбир туфайли Ўзбекистонга ташрифи эса икки мамлакат самимий муносабатининг ифодасидир.

«ЎЗБЕКИСТОН БИЗ УЧУН ВАТАНДЕК АЗИЗ!»

Раж Капур фарзандларининг юртимизга ихлоси шундай

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги аҳиллик, ўзаро дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлиги инсоний меҳр-муҳаббат, маънавий-маданий заковатнинг теранлиги билан ўлчанади. Бу бежиз эмас. Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилда Ҳиндистон биринчилардан бўлиб, жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси деган мустақил давлат борлигини дўстона тан олган эди. Шунинг ўзиёқ икки халқнинг бир-бирига нисбатан юксак муносабатда эканлигига далилдир.

Бундай дўстона ришталар Президентимиз Ислом Каримовнинг шу кунгача Ҳиндистонга қилган расмий тўртта ташрифи туфайли янада мустаҳкамланди. Юртбошимиз 2005 йилдаги ташрифларида Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқининг бир-бирига дилдан яқинлигини таъкидлаб, дўстона муносабатлар маданий йўналишда, айниқса, яққол намоён бўлаётганлигини шундай сўзлар билан эътироф этгандилар: "Ҳинд мусиқаси, қўшиқлари, рақслари ўзбек халқи учун тушунарли ва қадрлидир." Бундай юксак эътирофни Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх мамнуният билан қабул қилиб, келгусидаги алоқаларнинг янада кенгайишига ишонч билдирганди. Раж Капурни хотирлаш муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ҳам ана шу илиқ ҳамкорлик самарасидир, албатта.

"Дайди", "Жаноб-420", "Сангам", "Менинг исмим — масхарабоз", "Бобби" каби фильмлар айнан Раж Капур меҳнати туфайли машҳур бўлган. Бу кинолар эзгуликка интилиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам иймонга хиёнат қилмаслик, ота-она ва яқинларга ҳурмат каби инсоний туйғуларни тараннум этгани боис ҳам мангуликка дахлдордир. Бундай юксак савиядаги бадиий фильмларнинг юртимизда миллионлаб мухлислар томонидан ҳамон севиб томоша қилиниши эса икки халқнинг орзу-ниятлари, феъл-атвори муштарак эканлигини кўрсатади.

Раж Капурнинг тўнғич фарзанди Рандхир ҳам худди отаси каби санъат йўлини танлади. У актёр сифатида илк ролини 1971 йилда "Раж Капур фильмс" компанияси томонидан суратга олинган "Kal Aaj Aur Kal" фильмида отаси ва бобоси билан бирга ижро этган. Бу фильм ўша пайтда кино саноатида Капурлар сулоласининг обрўсини ошириш учун муҳим аҳамият касб этди. Кейинчалик бир неча фильмларда суратга тушган Рандхир ўз фарзандлари учун ҳам ибрат бўла олди. Бу ўринда Рандхирнинг икки қизи — Каришма ва Карина Капурларни тилга олишнинг ўзи кифоя.

Тошкент аэропорти. Ҳиндистон санъаткорлари делегацияси даставвал Рандхир Капур бошчилигида юртимизга етиб келишди. Самолётдан тушар экан, уларнинг кўзларидан ўзгача қувончни яққол ҳис этдик. Чунки бундан бир неча йиллар аввал Рандхир отаси билан келганида ҳам мухлислар оғушига тушганди. Бу галги кутиб олиш чоғида эса у мухлис ва мезбонларнинг юксак эҳтиром ва ҳурматидан боши кўкка етганини таъкидлади. Шундан сўнг меҳмонлар делегацияси мамлакатимизнинг нуфузли санъат даргоҳи — Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлишди.

Улар талабаларга яратилган шарт-шароит, ўқув хоналарининг жиҳозланиши билан яқиндан танишдилар. Айниқса, ўқув юртининг музейи меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Турли халқларнинг мусиқа асбоблари орасида ҳинд чолғуларининг борлиги, ўзбек йигит-қизларининг ушбу созларда куй чалаётгани икки халқ санъати, маданиятининг бир-бири билан уйғунлиги ифодасидир.

— Ўзбек ва ҳинд санъати жуда ўхшаш, — деди талабалар ҳузурида сўзга чиққан Рандхир Капур. — Уларнинг тарихий илдизлари ҳам узоқ-узоқларга бориб тақалади. Бу ердаги шароитни кўриб, Ўзбекистонда ёшларга катта умид билан қаралаётганини ҳис қилдим. Бундай муҳташам бинонинг бунёд этилиши юрт раҳбарининг навқирон авлодга нисбатан юксак эътибори деб биламан.

Учрашув чоғида шунингдек, Рандхир Капур отасининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурмати беҳад баланд бўлганлигини, авлодларга ҳам мана шу руҳни сингдиришга ҳаракат қилганлигини алоҳида таъкидлади. "Куй ва қўшиқни ҳис қилиш учун тил билиш шарт эмас, — деди Рандхир. — Юракдан ижро этилган ҳар қандай наво кўнгилларни ўзига ошуфта қилишга қодир. Бугун консерваторияда таҳсил олаётган талабалар ўзбек санъатини ҳинд диёрида янада кенгроқ тарғиб қилишига ишонаман".

Риши Капур — Раж Капурнинг иккинчи фарзанди. Кўплаб фильмларда бош ролларни маромига етказиб ўйнаган бу актёрни халқимиз "Бобби" фильми орқали яхши танийди. 33 йил олдин мазкур фильмда бош ролни ижро этган актёрнинг икки нафар фарзанди бор: Рандбир ва Ридхима Капур.

Пойтахтимиздаги "Ле Гранд Плаза" меҳмонхонасида тадбир муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида Капурларга қўшилиб, хонанда Нитин Мукеш ҳам иштирок этди. У Раж Капур фильмларидаги машҳур "Авара ху", "Дўст дўст на Раха", "Мера жута хае жапани" каби қўшиқлар ижрочиси Мукеш Чандра Матхурнинг ўғлидир.

Матбуот анжуманини Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранжан Тайал ушбу сўзлар билан бошлаб берди:

— Мен бу юртнинг қайси гўшасида бўлмай, ўзбекистонликлар энг аввало Раж Капур, унинг фарзандлари ҳақида сўрашади. Ҳатто улар орасида "Дайди" фильмидаги "Авара ху" қўшиғини ижро этиб берганларни ҳам кўрдим. Бу ерда иш бошлаганимнинг дастлабки кунларида Миллий телерадикомпаниянинг бир каналида "Сангам", бошқасида "Дайди" ва яна бошқа бирида "Бобби" фильмлари намойиш этилаётганини кўриб, қалбим жунбушга келди. Бу ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар ифодаси. Шундан кейин Рандхирга Ўзбекистонда буюк актёр хотирасига бағишлаб, кеча ташкиллаштиришни таклиф қилдим. Шу ўринда таклифимизни қўллаб-қувватлаб, яқиндан ёрдам бераётгани учун Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

"Ассалому алайкум, Ўзбекистон!"

Матбуот анжуманида акаука Рандхир ва Риши Капурлар томонидан янграган илк сўзлар шундай бўлди.

— Капурлар хонадонини юртингизда кўришни ихтиёр этганингиз учун сизларга минг бора ташаккур, — дея таъкидлади Рандхир Капур. — Биз аввало, оиламиз номидан Президент Ислом Каримовга юксак миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Отам ўзбек халқини жуда севардилар. Бу мамлакат ҳақида жуда кўп гапириб берардилар. Ушбу тадбирнинг собиқ иттифоқ мамлакатлари орасидан айнан Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон биз учун ўз Ватанимиздек бўлиб қолган.

— Ўзбекистонга тўртинчи бор келишим, — дейди Риши Капур. — Оиламизнинг барча аъзолари Тошкентда бўлган. Бироқ, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мен биринчи бор келдим. Энг гўзал манзарани ҳам шу ташрифда кўрдим. Пойтахтингиз мисолида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, жуда гўзал қиёфа касб этибди. Айниқса, юксак ҳурмат сифатида юртингизда отамни хотирлаш тадбирлари ўтказилаётганидан меҳмондўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқи олдида таъзимдамиз.

Ҳинд кино арбоби Раж Капур хотирасига бағишланган ушбу маданий тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Мазкур анжуман 5 декабрь куни "Халқлар дўстлиги" саройида ҳинд ва ўзбек санъати юлдузлари иштирокидаги концерт билан якунланади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Омонулла ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.



Одамохун Мухторжон

Сиз суратда пойтахтимиздаги 18-автокорхона очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳайдовчиси Мухторжон Тўлагановни кўриб турибсиз. У, мана йигирма беш йилдирки, мазкур жамиятда сидқидилдан меҳнат қилиб келади. Жамоадошлари орасида ҳалоллиги, хушмуомалалиги билан обрў-эътибор қозонган қаҳрамонимиз касб сирларини дастлаб устози Абдурашид Ваҳобовдан ўрганган бўлса, бугун ўзи ўнлаб ёшларга устозлик қилмоқда.

Агар йўлингиз тушиб Тошкент-Жиззах оралиғида қатновчи автобуслардан бирига чиқиб қолсангиз, Мухторжонни, албатта, учратасиз. Чунки айни пайтда у мазкур йўналишда аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Спорт

660 километр масофа ортда қолди

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган югуриш бўйича умуммамлакат марафони биринчи йўналиши иштирокчилари Гулистон шаҳридан Жиззах вилояти ҳудудига жўнаб кетишди. Улар Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Ховос тумани марказида ҳам тантанали кутиб олинди.

Жорий йилнинг 1 декабрь кунигача биринчи йўналиш марафончилари 660 километр масофани босиб ўтишди.

Бу марафонда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар иштирок этишлари мумкин. Наманган вилояти марказидан бошланган бу марафончилар сафида ўнлаб сирдарёлик талаба ва спорт ишқибозлари ҳам бор.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Наврўзбулоқ»да республика биринчилиги

Жиззах шаҳридаги «Наврўзбулоқ» пойгагоҳида ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган республика чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди.

«Багги-1» русумли автомобиллар пойгасида майдон эгалари вакили А. Ҳасанов олтин медални қўлга киритган бўлса, «Багги-2» автомобиллари пойгасида наманганлик О. Куликов ғалаба қозонди.

Шундан сўнг Самарқанд вилояти вакилларидан уч нафари қаторасига чемпионлик унвонига сазовор бўлди. О. Назаров («ГАЗ-53»), А. Сафаров («Зил») ва И. Обиджонов («Нексия») жамоага олтин медаллар келтиришди.

Мусобақаларда Тошкентдан учта жамоа иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Уларнинг икки аъзоси — И. Газилин ва И. Цойлар ҳам республика чемпиони бўлишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2006 ЙИЛ 2 ДЕКАБРДАН 2007 ЙИЛ 2 ЯНВАРГАЧА ҚУЙИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ГРЕЧИХА ЁРМАСИ, ГЎШТ ВА САБЗАВОТ КОНСЕРВАЛАРИ, БАЛИҚ КОНСЕРВАЛАРИ, МОЛ ЁҒИ, ГУРУЧ, ЯНГИ МУЗЛАТИЛГАН БАЛИҚ, ТОВУҚ ТУХУМЛАРИ, СИГИР СУТИ, СОСИСКА ВА САРДЕЛЬКАЛАР, АРПА ЁРМАСИ, СУЛИ ЁРМАСИ, СЎК ЁРМАСИ (ПШЕНО), БУҒДОЙ ЁРМАСИ, НЎХАТ, ПАШТЕТЛАР, ҚУЮЛТИРИЛГАН СУТ, ЧОЙ, ТАБИИЙ КОФЕ, ШОКОЛАД, КОФЕЛИ ИЧИМЛИК, АСАЛ.

Тендер ҳужжатларини олиш учун 50 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 2 январь соат 17.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

2006 йил 15 декабрдан республика ичида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прейскуранти ставкаларига пасайтирувчи 0,7 коэффициент қўлланишини маълум қилади.

3621R/2215

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси Ургут тумани ҳокими, «Халқ сўзи»нинг собиқ ўз мухбири

Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси савдо соҳаси фахрийси Мадаминжон Ҳасановга рафиқаси

МУХТАБАРХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси бош мутахассис Азамат Турсуновга падари бузруквори

ҒАППОР отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси илмий ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдумалик Ариповга рафиқаси

Дилора ҲАДЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси автотрактор двигателлари кафедраси доценти З. Э. Мусабековга падари бузруквори

ЭРГАШ отанинг

вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати жамоаси Қибрай туман юридик маслаҳатхонаси адвокати Замира Алимовага онаси

МАҲФУЗА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456